

Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OЛИЙ MAЖЛИСИ VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI BAZИРЛАР MAҚДAMACИНИНГ GAZETACИ

3 июнь, сешанба, 1997 йил
Сотувад эркин нархда. № 118 (1635)

БАНКРОТЛИК МУАММОЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Республика Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир Ў. Султонов раислигида иқтисодий жиҳатдан ночор корхоналарни инвентаризациялаш республика комиссияси ҳамда банкротлик ва санация масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг қўшма мажлиси бўлди.

Мажлисда вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, бир қанча корхоналар ва ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди. Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси қошида ишлаб турган иқтисодий жиҳатдан ночор корхоналар қўмитасининг раиси М. Умаров инвентаризациялаш яқунлари тўғрисида ахборот берди.

Эндиликда банкротлик ва санация масалалари бўйича меъёрий негиз яратилгани, бу фаолиятни тартибга солувчи ҳужжатлар тасдиқлангани ва ҳозирги вақтда амалда синовдан ўтаётгани, Навоий ва Сирдарё вилоятларидан ташқари, қўмитанинг барча ҳудудий бўлиммалари малакали мутахассислар билан тўлдирилиб, иш шароити билан таъминлангани айтилди.

Мажлисда аниқ корхоналарнинг банкротлик ва санацияга доир ишлари муҳомада қилинди, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланмаслик, ишининг мунтазам тўхтаб туриши, техника ва жиҳозларнинг даражасининг пастлиги, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарилаётгани, бунинг оқибатида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сотилмай қолаётгани, қўлдан бўён зарар келтираётган корхоналар сафига тушиб қолгани уларнинг фаолиятига баҳо беришнинг мезони экани таъкидланди. Бугунги кунгача республикада халқ ҳўжалигининг турли тармоқларидаги 3990 корхонада инвентаризация ўтказилди. Уларнинг бир қисмида ишлаб чиқариш тузилмасини ўзгартириш ёки бошқа маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтказиш, шунингдек уларнинг оёққа туриши учун ёрдам бериш мақсадга мувофиқ деб топилди. Олти корхонани тугатиш тақлиф этилди. 3788 корхонанинг ихтисоси сақлаб қолинди.

Мажлисда Бош вазир ўринбосарлари, иқтисодий ночор корхоналарни инвентаризациялаш тармок комиссияларининг раҳбарлари В. Чўен, К. Раҳимов, Р. Юнусов, М. Усмонов, А. Азизжўаев, Б. Ҳамидов сўзга чиқди.

ПРЕЗИДЕНТ АЛМАТИГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2 июнь куни расмий ташриф билан Қозоғистон Республикасига жўнаб кетди.

Мазкур сафар мамлакатимиз раҳбарининг қўшни Қозоғистонга илк расмий ташрифидир. Президент Ислам Каримов сафар олдидан журналистларга берган интервьюсида ташрифнинг мазкур жиҳати ўзига хос аҳамият касб этишини таъкидлади:

— Авваламбор, айтиш жоизки, биз Қозоғистонга илгари кўп сафар қилганимиз ва ўз навбатида Қозоғистон раҳбарлари ҳам кўп бора Ўзбекистонга ташриф буюришган. Мамлакатларимиз ўртасидаги борди-келди мунта-

зам давом этиб турибди. Қозоғистонга ушбу илк расмий ташрифимизнинг эса алоҳида ўрни ва аҳамияти борлигини таъкидламоқчиман. Яъни, мамлакатларимиз мустақиллигининг расмий даражасини халқаро майдонда янада яққолроқ кўрсатиш учун шундай ташрифлар бўлиши лозим.

Маълумки, Ўзбекистон, Қозоғистон ҳамда Қирғизистон ўзаро абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолаган. Ҳар томонлама ўзаро алоқаларимизга пойдевор бўлиб

хизмат қилувчи мазкур ҳужжат асосида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик тобора раванг топаётир. Шу маънода, Қозоғистонга ташрифимиз бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлиши шубҳасиз. Ташриф давомида ўзаро иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш, шериклик алоқаларини мувофиқлаштириш, сармоя киритиш, транспорт, божона ишлари ҳамда бошқа масалалар бўйича ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган. Шу ўринда, мазкур ҳужжатлар ўзаро алоқаларимизнинг ҳуқуқий асосларини янада

мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини айтиб ўтмоқ лозим.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари минтақада хавфсизлик масаласи ҳақида ҳам тўхталиб, жумладан шундай деди:

— Умуман, минтақа хавфсизлиги масаласи ҳаммамиз учун ҳам муҳим. Ўзбекистон, Қозоғистон ёки Қирғизистонга қандайдир ташқи хавф туғилгудек бўлса, бунинг ҳаммамизга таъсири борлигини унутмаслигимиз керак. Афғонистонда кечаётган воқеаларга муносабат билдириш-

да ҳам худди шу нуқтаи назардан келиб чиқиб гапириш лозим бўлади. Қозоғистонда бўлажак музокаралар чоғида ушбу масала юзасидан ҳам ўзаро кенгашиб олинади. Афғонистонда юз бераётган воқеаларга биз ўз муносабатимизни яқинда Ашгабадда бўлиб ўтган саммитда аниқ-тиниқ баён қилган эдик. Шу ўринда бир гапни айтиш керак деб ўйлайман, яъни юртимиз хавфсизлиги, халқимиз тинчлигини таъминлаш борасида керакли чоратadbлар қўрилган.

Мамлакатимиз раҳбарини Тошкент аэропортида Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Фуломов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов кузатиб қолди.

(ЎЗА).

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВГА ҚОЗОГИСТОН RESPUBLIKACИНИНГ ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ

АЛМАТИ, 2 июнь. (ЎЗА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади) Бугун Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов расмий ташриф билан Қозоғистонга келди. Алматы аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Қозоғистон Бош вазир А. Кўжегелдин ва бошқа расмий кишилар кўтиб олди.

Қозоғистон Президенти саройида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовга Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев пешвоз чиқди. Шу ерда мамлакатимиз раҳбарини расмий кўтиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф торлди. Ҳар икки давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Қозоғистон Президенти

қароргоҳида икки мамлакат давлат раҳбарларининг яқин-яқин учрашуви бўлди. Шундан сўнг, Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Икки мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, дўстона муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар муҳомада қилинди. Музокараларда, айниқса, эркин савдо, ўзаро сармояларни

раббатлантириш ва ҳимоялаш, қўнучилик соҳасида ҳамкорлик ҳамда ахборот алмашувини йўлга қўйиш каби масалалар юзасидан кўплаб фикрлар алмашилди.

Икки мамлакат ҳукумат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари яқинда Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида кўп томонлама ҳамкорлик ва дўстона муносабатларни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация, ҳуқуқий ёрдам ҳамда

фуқаро, оила ва жиноят ҳуқуқлари бўйича муносабатлар ҳақидаги шартнома, икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия тузиш тўғрисидаги протокол, шунингдек, савдо-сотик, алоқа, темир йўл, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик бўйича ҳужжатлар имзоланди. Сўнгра Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, халқ-

ларимизни янада яқинлаштириш, ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш йўлидаги буюк хизматлари учун мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримовга «Алтын Қиран» («Олтин бургут») орденини тақдим этди. Ҳукуматлараро ҳужжатларни имзолаш маросимидан кейин президентлар И. Каримов ва Н. Назарбоевнинг маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани бўлди. Унда икки мамлакат давлат раҳбарларининг юзма-юз суҳбати ҳамда бўлиб ўтган музокаралар натижалари ҳақида сўз борди.

Кечқурун Алматыдаги республика саройида Президент Ислам Каримов шарафига қозоғистонлик санъат усталари ихросида катта концерт дастури намойиш этилди. Оқшом Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев номидан қабул маросими бўлди.

Президент Ислам Каримовнинг Қозоғистонга расмий ташрифи давом этмоқда.

(ЎЗА).

САТРАЛДАРДА КЮРТ НАФАСИ

«Халқ сўзи» ва ЎЗА мухбирлари хабар қилади

ХОНАТЛАС ВА ФРАНЦУЗЧА КИЙИМЛАР

Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонасида француз моделчиси Жанн Лотти хоним томонидан тайёрланган янги кийимлар намойиш қилинди. Лотти Хоним Ўзбекистондаги янги мода ихлосмандларини таништириш учун кундалик кўйлақлар, костюмлар ва кечки кийимларнинг янги моделларини тайёрлади. Кечқурунлари дам олиш чоғида кийиш учун мўлжаллаб ўзбек хонатласидан сиздига шойига кўшиб тикилган комплект меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.



(ЎЗА).

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН: БУҒДОЙГА ЎРОҚ ТУШДИ

Ўрим-йигимни Беруний тумани Алишер Навоий номидаги жамоа ҳўжалиги ғаллакорлари ўтган йилга нисбатан 20 кун олдин бошлади. Дастлабки ўримдаёқ гектар бошига ўртача 40 центнердан ҳосил олинмоқда. Шу муносабат билан бу ерда кишлоқ ва сув ҳўжалиги ходим-

лари, туман ҳокимликлари, тегишли вазирликлар ва идоралар, жамоа ташкилотлари вакиллари иштирокида кенгаш бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар бу йил 27,5 минг гектар майдондаги бугдойни қисқа муддатда саранжомлаб олиш зарурлигини қайд этдилар.

ЧЕТДАН КЕЛТИРИШГА ҲОЖАТ ҚОЛМАДИ



Навоийдаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида кончилик санюатида ишлатиладиган поршок ишлаб чиқариш цехи фойдаланишга топширилди. Зарур жиҳоз ва ускуналар корхона таъмирлаш устaxonасида тайёрланди, бир қисми эса Чирчиқдан келтирилди: Навоий тоғ-металлургия комбинати учун зарур бу маҳсулот шу вақтгача Хитой ва Украинадан сотиб олинар эди.

ИРЖИ МАЦЕШКА: ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИК ҲАМКОР

Чехия Республикасининг Тошкентдаги элчихонасида мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган мазкур давлат санюат ва савдо вазирини ўринбосари Иржи Мацешка иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

И. Мацешка икки давлат ўзаро алоқалари ҳақида гапирар экан, Чехия Ўзбекистонга Марказий Осиё минтақасидаги стратегик ҳамкор сифатида қараётганини таъкидлади. Дарҳа-

қиқат, Ўзбекистон бугун нафақат Марказий Осиё, балки МДҲ давлатлари орасида ҳам Чехиянинг олдинги ўринлардан бирида турадиган ҳамкоридир. Айни пайтда мамлакатимизда 10 га яқин Ўзбекистон — Чехия қўшма корхонаси фаолият кўрсатаётгани ҳамда 34 та бир-бирига алоқадор амалга оширилаётгани бунинг яққол далилидир. Икки давлат ўртасидаги ўзаро товар айлантириш ҳажми ҳам йилдан йилга ортиб бораётир.

«ШУНҚОРЛАР» МУСОБАҚАСИ

Чирчиқ шаҳридаги олий ҳарбий билим юртида бўлиб ўтган «Шунқорлар» деб номланган республика ҳарбий-спорт мусобақаларида Наманган вилояти вакиллари муваффақиятли қатнашди. Умумтаълим мактаблари битирувчилари ўртасида бўлиб ўтган баҳсларда улар фахрли биринчи ўринни эгалладилар. Дикқатга сазовор томони ўн нафар наманганлик ўқувчи республикаимиздаги Олий ҳарбий билим юртиларига танловсиз кириб ўқиш ҳуқуқига эга бўлди.



(ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН -- ҚОЗОГИСТОН ҚўШНИЧИЛИК -- МИНГ ЙИЛЧИЛИК

Халқимизда бир ажойиб мақол бор: «Ховли олма, қўшни ол». Шу маънода Яратганининг ўзи бизни бу жиҳатдан сийлаган.

Маданияти, урф-одати, тили, дини бир бўлган ўзбек ва қозоқ халқларини бир-бири-

қадим-қадимдан Туронзамин дея аталмиш бепоян кенгликларда ота-боболаримиз от суриб ўтганлар, серунум ва серҳосил тупроқда тер тўққанлар, чорва боққанлар. Ахир, ёвга қарши бирига мардонавор кураш олиб борган, тарихимиз, тақдиримиз туташиб кетган халқлармиз-да.

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришганидан сўнг эса яқин-алоқаларимиз янада кенгайди. Едингизда бўлса, ўтган йилларда Қозоғистонда Ўзбекистон кунлари, Ўзбекистонда Қозоғистон кунлари зўр тантана билан нишонланган эди.

сўзлаган нутқи ҳамон ёдимизда:

«Олис ва яқин тарихимизда эслашга арзийдиган воқеалар жуда кўп. Бу тарихда фақат бир нарсасиз — душманлик йўқ. Чунки, биз икки абадий тушунча, қозоқлар айтганидек, «ўзбек-ўз оғам» бўлса, ўзбеклар айтганидек, «қозоқ йўлдошинг бўлса, йўлдан алашмайсан» деган тушунчага муқаддас қонун каби амал қилиб келганмиз.

Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи тантаналарида Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев сўз олиб, Темур бобомизнинг ушбу тўйин

бирига елкадош, ҳамнафас, дея тўққиллашиб гапирган эди.

Уч дўст мамлакат — Ўзбекистон, Қозоғистон ҳамда Қирғизистонни бирлаштирган ягона иқтисодий макон ҳам бежиз вужудга келмади. Бунинг замирида улкан маъно,



қолаверса, минг йиллик биродарлик ришталари етади.

Шу жиҳатдан олиб қарасак, мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг Қозоғистонга расмий ташрифи ана шу аҳамиятнинг давоми, дўстлигимизни янада юқори bosқичга кўтариш йўлида қўйилган муҳим қадамдир.

А. ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



дан айрича тасаввур этиб бўлмайди. Ҳатто, халқнинг юраги ҳисобланмиш шоирларини ҳам баъзан қайси миллатга мансублигини айтишга истихола қиласиз. Зеро, ўзбек Абай, Жамбул, Мухтор Авезовни қанчалик севиб мутлола қилса, қозоқлар ҳам Навоий, Ойбек, Ғафур Фулом, Миртемирни шунча қадрлайди.

Ўзбек ва қозоқ халқини бир улкан чинорнинг икки илдизига қиёслашди. Ҳақ гап,



Айниқса, Қозоғистонда Ўзбекистон кунларининг тантанали очилиш маросимида Президентимиз Ислам Каримовнинг



нафақат ўзбек халқининг, балки қозоқнинг тўйидир. Чунки, икки қардош ва қондош халқ тўйда ҳам, таъшишли кунда ҳам бир

1997 йил -- ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ

ҒАМХЎР БЎЛСА РАҲБАРИНГ...

Хисобини билмаган ҳамбидан айрилади, дейишади. Айниқса, бу гап бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамиятга эга. Бир мисол. Болалар ва катталарнинг кийим-кечаклари, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган Андижондаги «Чинор» хиссдорлик бирлашмасида ҳужасизлик, ҳайбарақаллачилик, ташмачилик авж олди. Оқибатда сифатли, харидоргир маҳсулотлари билан доврқ таратган гигант корхона инқирозга юз тутди. Муҳаммадбобур Турсунов бу ерга раҳбар этиб тайинланганида, корхонанинг қарзи 50 миллион сўмдан ошиб кетган эди. Энди эса...

РАҲБАР ҲАКИДА ИККИ ОФИЗ СЎЗ

Муҳаммадбобур Турсуновнинг касби юрист. Оилали, 4 нафар фарзанди бор. Тийинлардан сўмлар ҳосил қилишни яхши билади. Ланж, мижғов, ландавур одамлар билан чиқишмайди. Ёлғон, баландпарвоз гапларни мулақоф қилмайди. Ана шу «нуқсонлари» туфайли корхонада 56 марта текшириш ўтказилди. Бироқ узун-қисқа, паст-баланд бўлиб кириб келган текширувчилар қўлга илгундай айб топмадилар.

Маълумки ишчиларга чинакам ғамхўрлик қилинмаса, улarning манфаатдорлиги ҳақида қай-гуримласа, кўзланган натижаларга эришиб бўлмайди. Янги раҳбар ишни айни шу масалани ҳал этишдан бошлади. Қўлдан буён ўз ҳолига ташлаб қўйилган 75 ўринли соломлаштириш масканини зудлик билан қайта таъмирлашга киришилди. Авваллари мазкур оромгоҳга бериладиган йўлдан баҳосининг асосий қисмини касабга уюшмаси, қолганини даволанувсининг ўзи тўлар эди. Бош раҳбарнинг тақлифи билан бу тартиб бекор қилинди. Навбатчи дорихона очилди. Ишчиларга кечалари бепул хизмат кўрсатиладиган тез тиббий ёрдам ташкил этилди. Унга битта «Дамас» ажратилди.

Корхонада 1118 нафар ишчи меҳнат қилади. Уларнинг бир ойлик тушдиқ овқатланиши 350-400 минг сўмга тўғри келаяпти. Бу кўрсаткич йилга 4-4,5 миллион сўмни ташкил этади. Корхона ўша маблағни ҳам ўз ҳисобидан тўламоқда. Натижанда ишчилар бепул тушлиқдан баҳраманд бўлмоқдалар.

Савол туғилиши мумкин: томоғига қарзга ботган корхона ана шу сарф-харажатларни қайси манба орқали қопламоқда? Раҳбар тadbиркор бўлса, йўқдан йўндира билса, олам гулистон экан. Далилларга мурожаат қилайлик.

Чеварларнинг кўпчилиги вилоятнинг олис қишлоқларида истиқомат қилади. Уларнинг вақтида ишга келиб-кейтиши учун махсус транспорт восита-

лари ажратилган эди. Узаро келишувга кўра, транспорт корхоналаридан олинарди. Янги раҳбар ҳисоб-китоб қилиб кўрса, ишлаб топилган фойданинг катта қисми автокорхоналарга кетаркан. Ҳолбуки, ҳар бир сўм жой-жойига сарфланмоғи керак. Корхона автобусларни сотиб олгач, юз минглаб сўм маблағнинг беҳуда совурилишига барҳам берилди.

Маъмуриятлар назоратчи-соқчилардан ҳам воз кечди, шунинг ҳисобига 1,5 миллион сўм тежаб қолинди. Бундан ташқари, корхона ва унинг кўпдан-кўп цехларини қишда иситиш учун йилга тўрт миллион сўм ажратилар эди.

Уч миллион сўм сарфлаб, ўз қозонхонамига эга бўлди, -- дейди корхона раҳбари. -- Энди ўша миллионлаб сўмлар ёнимизда қолмоқда.

Учта болалар боғчасида тарбияланувчи кичкинтойларга полиз, сабзавот маҳсулотлари, гўшт, сут, қатиқ, иссиқ нон етказиб берадиган ташкилот уларнинг бир қисмини ўзига олиб қолар эди. Гоҳида ҳатто яроқсиз ҳолга келиб қолган неъматлар ҳам мажбуран боғчаларга ташлаб кетиларди. Ҳўжасизлик, ташмачилик сингари ярамас иллатларга чек қўйилди. Боғчалар бирлаштирилиб, 360 ўринли мактабгача тарбия муассасига айлантирилди. Турган гапки, бу тadbир туфайли штатлар ҳам қисқарди.

Бирлашма аҳли Наврўз байрами арафасида шаҳардаги туғруқхона ва шифохонага 200 тадан ортиқ чойшаб тортиқ қилганидан ҳам хабардор эдик. Буни Муҳаммадбобурга эслатганимизда, у бундай деди:

-- Саховатли, муруватли кишининг йўли очик бўлади. Аслида кут-баракка шундан. Шу боис жамоамиз хайрия ишларига баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келмоқда. Утган йили футболни ривожлантириш учун бир миллион сўм ажратган эдик. Бу йил ҳам шунча миқдорда ёрдам кўрсатмоқчимиз. Ҳозиргача 500 минг сўм ўтказдик.

Корхона новвойхони ҳар куни тарбия масканидаги болаларни иссиқ

нон билан таъминлаяпти. Улардан ортгани корхона ошхонасига -- ишчиларга етказиб берилмоқда. Бундан ташқари, боғчага гўшт, сут, қатиқ, ош кўки ва бошқа неъматлар ҳам вақтида етказиб бериларди.

Ишчиларга қўлайлик яратиш, уларнинг қимматли вақтларини тежаш мақсадида манший хизмат шохобчалари ташкил этилган. Энди ишчилар соч-соқол олириш учун сартарошхонани изламайдилар, бузилиб қолган музлатгич, радио-телевизорини тузатман деб устахонага бормайдилар. Бу ерда гўзаллик салони, кийим-кечак тикадиган мўъжазгина цех ҳам ишлаб турибди.

Тadbирлар чеварлардан тортиб мутахассисларгача -- ҳаммада ишга муносабатни кескин ўзгартирди, улар ҳозир ҳар қачонгидан кўра гайрат кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Бунинг самараси кўзга яққол ташланмоқда. Утган йили жамоа 122 миллион 257 минг сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарган бўлса, шу йилнинг биринчи чорагида 28 миллион 886 минг сўмлик болалар кийим-кечаклари, чақалоқлар учун комплектлар, ишчиларнинг махсус кийимлари, Европа мамлакатлари аҳолисига мўлжалланган иссиқ уст-бошлар тайёрландилар. Ҳар бир ишчининг ойлик иш ҳақи эса ўртача 3500 сўмдан ошди. Муҳими, яқин-яқингача нуқул зиёнга ишлаётган хиссдорлар энди дивиденд ҳам ола бошладилар. Утган йил яқунларига кўра, бу мақсадга 2 миллион 134 минг сўм ажратилган эди. Бу йил ана шу кўрсаткич 10 баробар ортиши мўлжалланаяпти.

Айни кунларда бирлашмада узоқ йиллардан буён ишлатилиб келинаётган дастгоҳлар босқичма-босқич янгиланмоқда. Германиянинг машур «Зингер», «Текстима» ва «Дюркооп», Япониянинг «Джупи», Венгриянинг қатор фирмалари билан алоқалар ўрнатилган. Улардан жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган кийим-кечаклар тикувчи янги технологиялар олинаяпти.

Мавлудахон Шерматова, Яйраҳон Аҳмаджонова, Танзилухон Мамажонова, Матлубахон Мирзаева сингари пешкадам бичувчи ва чеварлар суҳбат асосида бир гапни айтишди: раҳбаринг ғамхўр бўлса, яйраб-яйраб меҳнат қилсан.

Жуда топиб айтилган гап бу!

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Яқинда ишбилармон Х. Реймбоев Нукус тумани марказида қўшқаватли савдо мажмуини қуриб ишга туширди. Унинг қошида тўху ва мебель цехлари сервис маркази ҳам иш бошлади.



СУРАТЛАРДА: янги савдо мажмуининг кўриниши; тўху цехида.

А. МУРОТОВ олган суратлар.

ҚИШЛОҚ ИНФРАСТРУКТУРАСИ

ОЛҚИШ

Бўстонда бир ташландик жой бор. Бу ерда бирор бир фойдали ишни амалга ошириш ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. Ишбилармонлар гавжум жойларни ёқтиришади.

Шу боис осоийшта қишлоқда шинамгина гиштли бинонинг қад кўтаргани, пештоғига «Хадича» хусусий фирмаси, деб ёзиб қўйилгани эътиборимизни тортди. Ичкарига кирдик. Бир тўп қиз-жувонлар иш билан машғул. Қизлар, уларнинг раҳбари Хадича Воҳидова билан гаплашдик. Бу ерда қишлоқ аҳолисига кийим-кечак тикиш ва таъмирлаш, телевизор ва радио туза-тиш, сартарошлик ва бошқа турли хизматлар амалга оширилмоқда. Бизга маъқул бўлган томони -- ҳар бир уста олдига шогирд меҳнат қилмоқда. Демак, ёшларни касб ва ҳунарга ўргатишдек муҳим иш фирма зиммасида. Ёшларнинг дам олишлари учун шарт-шароит етарли. Манший хизмат биноси қошида миллий таомлар ҳам тайёрланмоқда. Бир сўз билан айтганда, кечачи кимсасиз жой бугун гавжум.

Хадича опа доимий равишда,

ОЛАЁТГАН

Ўзини «коммерция» деб аталиш савдо ишига урган. Бу ҳам керак, албатта. Лекин ҳамма ўзини савдога ураверса, аҳолига ким хизмат кўрсатади? Қолаверса, ишлаб чиқариш билан шуғулланган одам кам бўлмаслигини Хадича опа яхши билади. Шу боис у ўзи танланган йўлдан ишонч билан бормоқда. Тўғри Хадича Воҳидованинг ҳам савдо шохобчалари бор. Бу юмуш хизмат кўрсатишининг бир тармони ҳисобланади. Лекин асосан ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотади. Опа даст-

лаб ишни юрғазига ёрдам сифатида «Бизнес-фонд»дан кредит олганди. Бироқ бу маблағни осонгина беришгани йўқ. Қарзининг 35 фоиз устамасини тўлаш учун йилга 227 минг сўм ажратиши керак. Қишлоқ шароитида эса бунча пул топиш осон эмас. Шунинг учун ҳам опа у бошлиқ жамоа сира тиним биламайди. Ҳамиша изланиши-

да. Хадича опанинг меҳнатлари эвазига, бўш жойда қад ростлаган манший хизмат шохбаси атрофи ҳозир гулзор, кўкаламзорга айлантирилган. Одамларнинг қадами узилмайди. Сув чиқарилиб, обод қилинди. Мева-экинчилик дарахтлар экилди. Муҳими, қишлоқда яшовчи бир неча одам доимий иш билан таъминланди. Аҳолининг узогини яқин, овғири енгил бўлди.

К. БЕЛУТИНА, «Народное слово»нинг Навоий вилоятидаги мухбири.

МУКОФОТГА -- «ТИКО»

Ташаббуснинг катта-кичиги бўлмайди. Вилоят ҳокимлиги яшаш жойларида тозалик, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини янада жонлан-тириш мақсадида қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва маҳаллалар ўртасида қуриқ-танлов эълон қилди. Бухоронинг 2500 йиллик юбилейига бағишлаб ўтказилаётган ушбу танлов сентябр ойида якунланади.

Ҳалиларни катта мукофотлар кутмоқда. Биринчи ўринни эгаллаган қишлоқ фуқаролар йиғинига «ТИКО» автомашинаси берилди. Иккинчи ўрин учун 30 минг, учинчи ўрин учун 20 минг сўм пул мукофоти белгиланган.

Маннон ОТАБОЙ, «Халқ сўзи» мухбири.

ИТАЛИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН КУН МУНОСАБАТИ БИЛАН

ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

Минг йиллар давомида италияликлар бутун жаҳонни ҳайратга солиб келганлар. Қадимги Рим давридан то ҳозиргача улар ўз санъати, маданияти ва удуллари билан фахрланишади.

Асрлар силсиласига бардош бериб келётган юзлаб тарихий меъморий обидалар, «очик музейлар шаҳри» -- Венеция нафақат италияликлар, балки бутун жаҳон маданиятининг энг тенгсиз бойлигидир. Италия нафақат тарихнинг улуввор сурати жо бўлган мамлакат, балки дунё маданияти бешикларидан биридир. Зеро, Данте, Петрарка, Боккаччо сингари шоирлар, Леонардо Да Винчи, Микеланжело, Сажадор Даин сингари мўйқалам соҳиблари ана шу заминда ўсиб улғайишган.

Европанинг жанубида, Урта ер денгизи хавзасидаги Италия Апеннин ярим ороли, Сицилия, Сардиния ороллари ва бошқа бир қанча майда ороллари эгаллаган. Италия тарихи жуда қадимий бўлса-да, ягона давлат сифатида 1870 йилда барпо бўлди. Мамлакат ўз бошидан оғир ва машаққатли жараёни кечирди. 1922 йилда мамлакатда фашистик тузум ўрнатилди. Иккинчи жаҳон урушида Германия томонидан туриб урушга кирди. Албатта, уруш тугатганидан сўнг италияликлар хоҳиш-иродаси билан 1946 йилда мамлакат Республика тизимига ўтди.

Аммо урушдан хонавайрон бўлиб чиққан мамлакат ақл бовар қилмас даражада тез ривожланди. Республика тизимига ўтилганидан сўнг кўп ўтмай мамлакатда иқтисодий ислохотлар бошлаб юборилди. Санотнинг устувор йўналишлари бўлган автомобилсозлик, кemasозлик, кимё, тўқимачилик ва металлургия соҳаларига асосий эътибор қаратилди. Натича эса кутилганидан ҳам аъло бўлди.

Ҳозирги кунда Италия юксак тараққий этап «кучли еттилик» давлатлари сирасига киради. Европа Иттифоқи ва НАТОнинг фаол аъзоси. Айни пайтда италияликлар ҳам Европа Иттифоқи (ЕИ)да ягона валютага жорий этиш ташвиши билан банд. Маълумки, ЕИ аъзо мамлакатларнинг ягона иқтисодий валютасини ташкил этиш

роясини айнан Италия ҳукумати илгари сурган эди. Италия нафақат иқтисодий салоҳиятга эга, шу билан бирга сифат бобида жаҳондаги энг нуфузли давлатлардан бири. Шу йилнинг бошида Албанияда юз берган воқеаларни тивч йўл билан ҳал этишда Италия ҳукумати ҳиссасини айтиб ўтиш kifоя.

Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги алоқалар тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Муносабатларимизга илк пойдевор «Буюк Ипак йўли» туфайли Амир Темур даврида қўйилган. Аммо чин маънодаги ҳамкорлик Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви-дан сўнг бошланди.

Италия Ўзбекистонни Марказий Осиё минтақасидаги ишончли ҳамкор сифатида қадрлайди. Шу боис бўлса керак, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар йилдан йилга тараққий этиб бормоқда. Агар ўртадаги то-вар айрибошлаш 1993 йилда 45 миллион АҚШ доллари миқдорига бўлган бўлса, 1994 йилда 50 миллионга, 1995 йилда эса 100 миллион АҚШ доллари миқдорига ошиб кетди. Утган йилда махсулот айрибошлаш кўрсаткичи 142 миллион доллар атрофида бўлди.

Италиялик ишбилармонларнинг мамлакатимизга қизиқиши катта. Айни пайтда республикамизда қирққа яқин ўзбек-италия қўшма корхоналари муваффақиятли фаолият юрғизишмоқда. Айниқса, «Узластита», «Уз-италеда», «ФАМ», «Италфуд» сингари корхоналарнинг иқтисодий ҳисобидида қўшаётган салмоқли улушини эслаб ўтиш жоиз.

Шу йилнинг 2-4 май кунлари Италия Президенти Оскар Луиджи Скалфаронинг республикамизга расмий таширфи мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтарди. Ҳозир самарали ва амалий ўтган таширф чоғида тўртта муҳим ҳужжат имзоланди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси билан Италия Республикаси ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим жуда улкан аҳамиятга эга. Бу ҳужжат иқтисодий алоқаларимизнинг янада тез суръатлар билан ривожланишига муҳим омил бўлиши, табиий.

Европада, қолаверса, жаҳонда ўзининг катта нуфузига эга бўлган Италия билан алоқаларини ривожлантириш Ўзбекистоннинг жаҳонга кенгроқ танилишида гоёат аҳамиятлидир.

Холмурод АБДУРАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЕВРООСИЁ АКЦИОНЕРЛИК КОРПОРАЦИЯСИ

Очик турдаги «Евроосиё» Ўзбекистон -- Россия акционерлик корпорацияси 1997 йил 25 июнда Ташкент шаҳридаги Маданият Ахборот Маркази биносида (Хоразм кўчаси 47, Амир Темур метро бекати) акционерларнинг йиллик йиғилишини ўтказди.

Йиғилиш соат 10.00 да бошланади.

Рўйхатга олиш соат 9.00 да бошланади.

КУН ТАРТИБИДА

1. «Евроосиё» АК бошқарувиининг корпорациянинг 1996 йилги фаолияти ҳақидаги ҳисоботи ва йиллик балансини тасдиқлаш.

2. Корпорациянинг 1996 йилги фаолияти натижалари ҳақида аудитор хулосаларини тасдиқлаш.

3. Ҳисоботи берилётган йилда кўрилган соф

фойдани тақсимлаш тартибини тасдиқлаш.

4. Устав фонди ва таъсисчилар таркиби ҳақида.

Йиғилиш қатнашчилари рўйхатдан ўтаётганда

-- акционерлик жамияти бўлган юридик шахс раҳбарига берилган унинг шахс ва эгаллаб турган лавозимини тасдиқловчи ҳужжат;


-- акционер вакили учун -- юридик шахсининг номидан ишонч қоғози ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари кўрсатишлари шарт.

Маълумот учун телефонлар: (3712) 56-32-15, 56-32-19, 56-43-29. Корпорация бошқаруви



Яккабоғ туманидаги «Таштемир» масъулия чекланган жамиятига қарашли мрамор цехи ишчилари тайёрлаётган махсулот аҳолига маъмур бўлмоқда. СУРАТДА: уста Х. Турдиев.

Т. КАРИМОВ олган сурат.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ БАНКИ —

Марказий Осиёдаги энг йирик универсал тижорат банки

МИЛЛИЙ БАНК БУГУН:

- 470 миллион АҚШ доллари миқдорига тўланган устав капитали.
- 3,5 миллиард АҚШ долларидан ортиқ активлар.
- Ишбилармон ва молиячилар дунёсида энг нуфузли «The Banker» журнаlining таърифи бўйича жаҳоннинг энг етакчи 1000 та йирик банк институтларига кирувчи ва жаҳоннинг энг ишончли банки дея эътироф этилган банк.
- АҚШ, Япония, Франция, Германия, Буюк Британия, Бельгия, Италия, Корея, Чехия, Туркия, Швейцария, Ҳиндистон банклари, сугурта компаниялари ва халқаро молия институтлари, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси (Жаҳон банки гуруҳи), Осиё тараққиёт банки томонидан тақдим этилган 25 та кредит линиясига хизмат қилувчи банк.
- Кичик ва ўрта бизнесга 300 миллион АҚШ доллари миқдорига кредитлар.
- 64 та мамлакатнинг 358 та йирик банкларида мухбирлик ҳисоб-рақамлари.
- Москва шаҳрида ишлаётган «Осиё-Инвест банки», Миллий банкнинг шўъба банкидир.
- Дунёнинг исталган нуқтасида энг замонавий «СВИФТ», «РЕЙТЕР», «VISA» тизимлари бўйича бир неча дақиқа ичида тўловлар.
- Банк хизматларининг универсал жамламаси.
- Ўз мижозларига хайрихоҳлик ва уларнинг муаммолари ҳамда эҳтиёжларини қондиришга интилиш.

МИЛЛИЙ БАНК ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

- Кичик ва ўрта бизнес корхоналарига 100 мингдан 5 миллионгача АҚШ доллари миқдорига кредитлар.
- Миллий иқтисодий таркибий қайта қуришни таъминлайдиган лойиҳаларни амалга ошираётган йирик корхоналарга 5 миллиондан 50 миллионгача АҚШ доллари миқдорига кредитлар.
- Ўз ишлаб чиқаришини замонавийлаштираётган ишончли қарз олувчиларга 1 миллиондан 500 миллион сўмгача кредитлар.
- Савдо операцияларини пул билан таъминлаш учун сўмда ва АҚШ долларида кредитлар.
- Ички бозорда миллий валютани долларга ва ташқи бозорларда бир чет эл валютасини иккинчисига айирбошлаш операциялари.
- Ўзбекистон Молия вазирлигининг давлат хазина облигациялари ва бошқа қимматбаҳо қоғозлари билан операциялар ўтказиш.
- Дунёнинг исталган мамлакатига экспорт, импорт, носавдо ва бошқа операциялар бўйича чет эл валюталарида халқаро ҳисоб-китоб ва тўловлар.
- Халқаро бозорларда технология, товар ва хизматларнинг жаҳондаги нархлар ҳаракати, талаб ва таклиф ҳажмлари юзасидан операциялар ва маслаҳатлар.

МИЛЛИЙ БАНКНИНГ БЎЛИМ ВА ФИЛИАЛЛАРИ ТАРМОҒИ ИШЛАБ ТУРГАН БЎЛИМ ВА ФИЛИАЛЛАР

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Нукус бўлими	Нукус ш., Гарезислик кўчаси, 52	7-86-39
Хўжайли филиали	Хўжайли ш., Ломоносов кўчаси, 2	4-23-28
Тўртқўл филиали	Тўртқўл ш., Тўртқўл кўчаси, 56	7-48-82

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

Банклараро ҳисоб-китоб маркази	Охунбобоев кўчаси, 23	33-62-87
Бош амалиёт бўлими	Гоголь кўчаси, 95	33-68-07
Тошкент шаҳар бўлими	Ғафур Ғулум, 1	44-82-20
Академик бўлими	Ф. Хўжаев кўчаси, 31	62-45-24
Юнусобод филиали	Юнусобод-11, 32	24-25-95
Ҳамза филиали	Элбек кўчаси, 28	96-36-35

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Андижон бўлими	Андижон ш., Навоий кўчаси, 39	4-38-40
Кўрғонтепа филиали	Кўрғонтепа ш., Кўрғонтепа кўчаси, 3	4-13-15

БУХОРО ВИЛОЯТИ

Бухоро бўлими	Бухоро ш., Муҳаммад Иқбол кўчаси, 3	23-69-73
---------------	-------------------------------------	----------

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Жиззах бўлими	Жиззах ш., Ш. Рашидов кўчаси, 39	3-26-76
---------------	----------------------------------	---------

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Қарши бўлими	Қарши ш., Ўзбекистон кўчаси, 219	4-49-21
Шаҳрисабз филиали	Шаҳрисабз ш., Буюк ипак йўли кўчаси, 100	4-40-89

Муборак филиали	Муборак ш., Занжирсарой кўчаси, 15/3	2-12-92
-----------------	--------------------------------------	---------

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Навоий бўлими	Навоий ш., Ибн Сино кўчаси, 14	3-49-65
Зарафшон филиали	Зарафшон ш., 3-микр-н, Амир Темур кўчаси, ДДУ корпуси	4-63-19

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Наманган бўлими	Наманган ш., Наманган кўчаси, 10	6-50-30
Чуст филиали	Чуст ш., Чустий кўчаси, 23	6-50-30

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Самарқанд бўлими	Самарқанд ш., Фирдавсий кўчаси, 7	33-57-50
Каттақўрғон филиали	Каттақўрғон ш., Шифокор кўчаси, 3	33-62-99

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Сурхондарё бўлими	Термиз ш., Ат-Термизий кўчаси, 7 а	4-59-66
Денов филиали	Денов ш., Мустақиллик кўчаси, 47	9-47-28

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Сирдарё бўлими	Гулистон ш., А. Яссавий кўчаси, 48	25-20-88
Оқолтин филиали	Сардоба ш., Омонгелди кўчаси, 2	2-11-91

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Тошкент вилоят бўлими	Тошкент ш., Т. Шевченко кўчаси, 29	55-12-01
-----------------------	------------------------------------	----------

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Фарғона бўлими	Фарғона ш., А. Фарғоний кўчаси, 69	24-40-36
Кўқон филиали	Кўқон ш., А. Темур кўчаси, 39	3-79-39
Марғилон филиали	Марғилон ш., Тўралар кўчаси, 216	35-43-11

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Хоразм бўлими	Урганч ш., Паҳлавон Маҳмуд кўчаси, 150	6-45-44
Хива филиали	Хива ш., Мустақиллик кўчаси, 12	5-49-30

1997 йилда очиладиган бўлим ва филиаллари

Қорақалпоғистон Республикаси: Қўнғирот, Чимбой.

Тошкент шаҳрида: Марказий амалиёт бўлими (янги марказий бино) А. Икромов, Бектемир, Мирзо Улуғбек, Миробод, С. Раҳимов, Сирғали, Чилонзор, Шайхонтоҳур, Яқкасарой.

Андижон вилояти: Асака, Избоскан, Пахтаобод, Хонобод, Шаҳрихон.

Бухоро вилояти: Когон, Қорақўл, Қоровулбозор, Ромитан, Шофиркон.

Жиззах вилояти: Гагарин, Пахтакор.

Қашқадарё вилояти: Ғузор, Қамаша, Янгинишон.

Навоий вилояти: Учқудук.

Наманган вилояти: Косонсой, Поп, Турақўрғон, Уйчи, Учқўрғон.

Самарқанд вилояти: Булунғур, Чимбой, Ургут.

Сирдарё вилояти: Янгиер.

Сурхондарё вилояти: Жарқўрғон, Шеробод, Шўрчи.

Тошкент вилояти: Олмалик, Ангрен, Бекобод, Бўстонлик, Тўйтепа, Чирчик.

Фарғона вилояти: Бешарик, Бувайда, Қувасой, Қува.

Хоразм вилояти: Гурлан, Хазорасп, Хонқа, Шовот.

МАҚСАДИМИЗ: мижозларимизни бадавлат қилиш ва равнақ топтириш.

Ўзбекистон Миллий банки -- бу Сизнинг банкингиз!

Тошкент: 700047, Охунбобоев кўчаси, 23. Тел.: (7-3712) 33-89-86, 33-70-74.

МАМЛАКАТИМИЗ ШАҲАРЛАРИ

Хева -- ўтмишининг ноёб осори-атиқалари маскани. Қадимий «Ипак йўли» ёқисидagi шаҳар. Қарийб 350 йиллик тарихга эга бўлган собиқ Хева хондигининг пойтахти. Хоразм вилоятининг ғарбий тарафида -- Корақум саҳроси этакларида жойлашган.

Шаҳарнинг ер майдони сарқам 1000 гектар. Аҳолиси -- 42 минг киши. Шаҳарда қатор ўқу юрталари, фан, маданият ва санъат муассасалари фаолият кўрсатади.

«Самарқанд -- сайқали рўйи замин аст. Бухоро -- қуввати исломни дин аст. Ки, Хевак -- фирдавс ул оламин аст».

Урганч шаҳрининг сўлим сайлгоҳларидан бирида ўзининг бедов оти ёнида қўлига китоб ушлаганча хаёл сураётган подшонинг ҳайкали қад ростлаб турибди.



ЖЕВА

Хеванинги ҳақиқий тарихини мазмунини узоқ қаридан -- эраизгача бўлган охири минг йилликнинг дастлабки асарлардан изламоқ зарур.

Хеванинги ҳақиқий тарихини мазмунини узоқ қаридан -- эраизгача бўлган охири минг йилликнинг дастлабки асарлардан изламоқ зарур.

Хеванинги ҳақиқий тарихини мазмунини узоқ қаридан -- эраизгача бўлган охири минг йилликнинг дастлабки асарлардан изламоқ зарур.

Хеванинги ҳақиқий тарихини мазмунини узоқ қаридан -- эраизгача бўлган охири минг йилликнинг дастлабки асарлардан изламоқ зарур.

Хеванинги ҳақиқий тарихини мазмунини узоқ қаридан -- эраизгача бўлган охири минг йилликнинг дастлабки асарлардан изламоқ зарур.

Хеванинги ҳақиқий тарихини мазмунини узоқ қаридан -- эраизгача бўлган охири минг йилликнинг дастлабки асарлардан изламоқ зарур.


Хеванинги ҳақиқий тарихини мазмунини узоқ қаридан -- эраизгача бўлган охири минг йилликнинг дастлабки асарлардан изламоқ зарур.

Хеванинги ҳақиқий тарихини мазмунини узоқ қаридан -- эраизгача бўлган охири минг йилликнинг дастлабки асарлардан изламоқ зарур.


ФИЛАТЕЛИЯ

ҚИЗИЛ КИТОБДАН ҚОПЛОН

«Ўзбекистон маркаси» нашриёт маркази томонидан тайёрланган «Ўзбекистоннинг ноёб ҳайвонлари. Қоплон» мавзусига бағишланган почта маркалари туркумини Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги почта муомаласига чиқарди.



Силагина денгиз сатҳидан 600 -- 900 метр баландликда учрайди. Улар тоғнинг буқча ва жилғалар мавжуд бўлган чуқур дараларида ҳаёт кечиради.



Ўзбекистонда қоплонларни овлаш тақиқланган. Чунки улар «Қурилиб кетиш ҳаффи остида турган ёввойи фауна ва флора турлари билан савдо-сотиқ қилиш бўйича Халқаро Конвенцияга қиритилган.




Маркалар туркуми 4 та марка билан битта почта блокдан ташқили топган.



Қоплонларнинг юзасидан тоғ манзараси тасвирланган.



Қоплонларнинг юзасидан тоғ манзараси тасвирланган.




Қоплонларнинг юзасидан тоғ манзараси тасвирланган.

Маскур маркаларда бўлмаган қоплоннинг номлари илмий адабиётларда қабул қилингани каби лотин тилида берилган.

С. ҲАСАНОВА.

ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Марғилонда ёш хонандаларнинг Ўзбекистон халқ ҳофиз Маъмуржон Узоқов номидagi биринчи республика кўрик-танлови якунланди.



«Тошболта ошиқ» спектакли кўрсатилаётган экан.

ЎЛМАС КАХКАҲА ҚУЛДИРИБ, СЕВДИРГАН САНЪАТКОР

Сойиб Хўжаев ҳақида мақтов сўзларини айтади шарт эмас: у кишини бир кўрган одам кўларди, қулиб севиб қоларди.

Хонободларнинг улуг санъаткор тугилган кунини ҳар йили катта Қулги байрами қилиб ўтказишлари ҳам ана шу севгининг ҳосиласи бўлса керак.

қулиб чиқаришяпти! Бу арқонлар билан бир мартада мириқиб ойна ҳам уюлмайсан.

Устангир шогирдларидан бири қудаларга бошловчи бўлиб келинишга борибди.

Бир кунини Сойиб ака об-ҳавони кузатиш марказига бориб қолди. Марказ бошлиғи кирот билан навбатдаги маълумотни қотибасига ёдқарётган экан.

Устангир шогирдларидан бири қудаларга бошловчи бўлиб келинишга борибди. Аммо тўйона эшигидан ўтирганлар буларга парво ҳам қилиб қўйишмади.

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

ЧЕЛЛЕНЖЕР ТУРНИРИ БОШЛАНДИ

Пойтахтимиздаги «Динамо» теннис мажмуида профессионал аёл теннисчилар ўртасида Тошкент иккинчи халқаро турнири бошланди.

Хшвендт (Люксембург), Сильвия Пласчик (Австрия) каби теннисчилар турнирда Вагнерга асосий рақиб бўлиши кутилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтган йили мамлакатимиз илк марта WTA чөлленжер турнирини қабул қилган ва у ташқилий жиҳатлари, мусобақанинги юқори даражада ушқоқлиқ билан ўтказилганлиги билан нафақат халқаро теннис ташқилотлари эътиборини тортган эди.

Table with tennis results: Uzbekistan, Yaman, Indonezia, Kambojda. Columns for Y, U, D, M, T-N, O.

Халқ сўзи Народное Слово logo and contact information.

Бўлимлар: Парламент 33-57-34, Хатлар 33-07-48, Хужук ва қонунчилик 36-37-85, Иқтисодиёт 36-36-65, 36-07-94, Маънавият 36-35-60, Туниги муҳарририят 33-10-28, Эълонлар 36-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001, Буюртма Г -- 0377, 46.094 нусхада босилди, Ҳажми -- 2 табоқ, Офсет усулида босилган.